




Schweizerische Eidgenossenschaft  
Confédération suisse  
Confederazione Svizzera  
Confederaziun svizra



**Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш**

**комиссиясининг**

**илмий-ахборот маркази**


**Сув ресурсларини бошқариш халқаро институти**

**«Фермер хўжаликлари даласида сувнинг маҳсулдорлигини ошириш»  
лойиҳасининг**

**АХБОРОТ МАРКАЗИ**

**МАҲАЛЛИЙ ЎҒИТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА**

**ТАВСИЯ**



**АНДИЖОН**

Мамалакатимиз Президенти И.А.Каримов сенатдаги 2010 йил якунлари бўйича нутқида суғориладиган майдонлар тупроғи унумдорлигини оширишга алоҳида тўхталиб ўтди.

Вилоятимиз ҳокими А.Усмонов Андижонлик ғаллакорларга “Ҳар гектар ер учун камида 10 тоннадан маҳаллий ўғитлар жамғариш” вазифаси қўймоқда.

Зеро Президент таъкидлаган, вилоят ҳокими вазифаси қилиб қўйган тупроқ унумдорлигини ошириш, маҳаллий ўғитлар жамғариш бир-бири билан чамбарчас боғлиқ масалалардир. Айни пайтда бу масалалар илмий-амалий жиҳатдан, иқтисодий ҳамда экологик нуқтаи назардан тўла асосли ҳисобланади.

Холбуки, тупроқ унумдорлигини чириндисиз тасаввур этиб бўлмаганидек, тупроқ чириндисни кўпайтиришда маҳаллий ўғитлар гўнг, компост, шаҳар, пилла қурти, паррандаларнинг чиқиндилари ва бошқа табиий ўғитларнинг ҳам аҳамияти катта.

Гўнг-мавжуд маҳаллий ўғитлар орасида энг асосийси ва аҳамиятлидир. Унинг таркибида бир тонна ҳисобига қорамолларникида 4 кг азот, 2,5 кг фосфор, 5 кг калий мавжуд. Қўйникидаги азот миқдори бир тоннасида 16 кг, фосфор 5 кг, калий эса 14 кг ни ташкил этади. Бир тонна парранда гўнгида 34 кг азот, 16 кг фосфор, 8 кг калий моддаси сақланади. Хожатхона ахлатидан бир тонна ерга солинса 6 кг азот, 2 кг дан фосфор ва калий берилган бўлади. Бир тонна ипак қуртининг қуруқ чиқиндиси солинган тупроқ қатлами 50 кг азот, 10 кг фосфор билан бойийди.

Гўнг таркибида фақат азот, фосфор ва калий моддаларигина бўлмай, балки турли-туман маданий экинлар, тупроқ микроолами учун ҳаётий зарур бўлган микроэлементлар ҳам мавжудки уларни биз маъдан (минерал) ўғитлар каби қўллай олмаймиз.

Бу микроорганизмлар гўнг таъсирида тупроқдаги органик моддаларни парчалаб, уларни минерал ҳолатига келтирадилар ёки деҳқонча қилиб айтганда “Маданий ўсимликлар учун енгил ҳазм бўладиган минерал озуқа”, тайёрлайдилар.

Маҳаллий ўғит гўнг қўлланганда тупроқнинг агрофизикавий хусусиятлари (зичлиги, ғоваклиги, донадорлиги) ижобий томонга ўзгаради, сув ўтказувчанлик беҳад яхшиланади, намликни буғланиши камаяди, сергўнгли тупроқ юзаси қатқалоқ бўлмайди.

Бизнинг шароитимизда солинадиган гўнг дала яқинига келтирилиб уйиб қўйилади ёки чуқурга кўмилади. Ҳар бир уюмга 60-75 тоннадан гўнг тўпланади. Уюмлар тагининг эни 3-4 метр, тепасиники эса 2,5-3 метр, баландлиги 2 метр бўлиши лозим, узунлиги эса гўнг миқдорига қараб белгиланади.

Гўнг сақланадиган чуқурлар ҳажми: тагининг кенглиги 3-3,5 метр, чуқурлиги 1 метр, гўнгни қалинлиги 2 метрга етказилади.

Бу чуқурга гўнг ҳар гал ярим метр қалинликда тўшалиб шиббланади, сўнг устига 10-15 см қалинликда тупроқ солинади.

Гўнг тўплашда ҳар бир тонна учун 20–40 кг. да суперфосфат кўшиш мақсадга мувофиқ. Бу ўғитни гўнгни аравага ортиш пайтида кўшиш янада фойдали ҳисобланади. Чунки суперфосфат гўнг таркибидаги азотни тўла сақланиб қолишини таъминлайди.

Гўнг қисман чириган ҳолда ишлатилади ҳамда уни чуқурдан олишда устидан остига қарата тиккасига кесиб олиш лозим. Тайёрланган гўнгни далага текис қилиб сепиш зарур бўлади.

Гўнг сепилган майдонларда зудлик билан кўш қаватли ҳайдов ўтказилади. Акс ҳолда гўнгдаги ҳавога осон учиб кетадиган бирикмалар исроф бўлади.

Бу маҳаллий ўғитни сепиш унумдорлиги энг паст далалардан, ажриқ илдизпоялари тароқланиб майдон улардан обдон тозалангандан сўнг бошланади.

Гўнгни қўллаш муддати кузги ҳайдов билан бир хил, ноябрь ойидир. Бу маҳаллий ўғитни сепиш меъёри гектар ҳисобига энг ками 15-20 тонна бўлиб фермер хўжаликни барча майдонига биратўла қўллаш амалда мумкин эмас. Шунинг учун фермерлар гўнг алмашлаб сепиш режасини тузишлари ва ҳар йили 20 -25 фоиз майдонга белгиланган меъёрда гўнг солишлари лозим.

Мазкур органик ўғит ер юзасида очиқ ҳолда узоқ қолиб кетмаслиги, шудгорлаш ўтказилиб тупроққа кўмилиши даркор. Акс ҳолда унинг таркибидаги углерод билан азот ҳавога учиб кетиб, фойдали хусусияти йўқолади.

Гўнгни тўла чиритиб, қуритиб ғўзани амал даврида бир тонна аммиакли селитра ҳисобига 2–3 тоннадан кўшиб ишлатиш ҳам ниҳоятда самарали ҳисобланади.

Маҳаллий ўғит сифатида парранда ва ипак қурти чириндиларини ишлатиш ҳам тупроқ унумдорлигига мадад, ғўзага эса кўшимча қувват беради.

Хожатхона ахлати, шаҳар чиқиндиларидан компост тайёрлаб сўнг далаларда қўллаш тавсия этилади. Бунинг учун эни 2-2,5 метр, чуқурлиги 0,5-0,7 метр хандақлар тайёрланиб, унга навбатма-навбат бир қатлам ахлат, чиқинди, иккинчи қатлам тупроқ солиниб борилади, чуқур тўлдирилади. Ёки 1 т ахлатга 1 т тупроқ кўшилади. Бу хилдаги компост икки уч ой сақланади, далага чиқаришдан 20-30 кун аввал қориштирилади, ер ҳайдаш олдидан гектарига 12-15 т дан далага солинади.

Деҳқончиликда бошқа хўжалик чиқиндиларидан (кул, хонадонлардан чиққан турли ахлатлар) ҳам фойдаланиш мумкин. Бу чиқиндилар ҳам тупроққа кўмилиб 3-4 ой сақланиб компост қилинади, сақлаш давомида икки–уч марта қориштирилади. Тайёр компост 12-15 т/га ҳисобида кузги ҳайдов олдидан қўлланилади.

Фермер хўжаликларида маҳаллий ўғит қилиб ер ўғитлардан–харобалар, тепаликлар, эски девор тупроғи, зовур ва ариқларни лойқаларидан фойдаланиш ҳам фойдадан ҳоли эмас. Улар тупроқни агрофизикавий хусусиятларини яхшилади.

Пахтачилик ва ғаллачиликда чиримаган гўнг, фекалий ва бошқа шаҳар чиқиндиларидан “Шарбат” сифатида ҳам фойдаланилади. Бунинг учун ҳар 3–5 гектар экин майдони ҳисобига биттадан, ҳажми 10–15 тонна маҳаллий ўғитни “шарбат”га айлантирадиган хандақлар тайёрланади, чиқиндилар билан тўлдирилиб “шарбат” ҳолатида далаларга етказилади.

Экин майдонларида “шарбат” қўллаш жараёни албатта сан-эпид станция мутахассислари назоратида бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Биз юқорида зикр қилиб ўтган маҳаллий ўғитларнинг барчаси энг аввало тупроқ қатлами иссиқлик сиғимини, унинг ҳароратини оширади, намлик сақлайди, микроолам ҳаётини кучайтиради, кузги экинларни қишки совуқлардан сақлайди, тупроқ унумдорлигини тиклашда ўзига хос самара беради.

Афсуски кўпчилик фермер хўжаликларида ҳосилдорликни ошириш учун фақат минерал ўғитларга умид боғлайдилар. Айни пайтда халқимизнинг азалий, ижобий анъаналари унутилиб кетмоқда. “Ҳосил тўраваси”, “Ағдарма” каби ташиш мосламаларидан фойдаланилмай қўйди. Бунда далага чиқувчи ҳар бир одам, ҳар куни бир халтада гўнгми, кулми, эски девор тупроғими ёки бошқа маҳаллий ўғитни олиб чиқиб далага тўкиб сўнг иш бошлар эди. Махсус бир неча одам ағдарма (кичик аравада) ҳар куни, қишин-ёзин маҳаллий ўғит ташиш билан машғул эди. Бу қадимий анъаналарни давом эттириб тупроқни (органик) маҳаллий ўғитларга тўйдирсак тупроқ намлиги сақланар, сувнинг маҳсулдорлиги ошар эди.

Ушбу тавсиянома “Ахборот маркази”нинг мутахассиси, қхфн, ЎзПИТИ Андижон филиали катта илмий ходими С.Баҳромов томонидан илмий манбаълар асосида тайёрланди.